

Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласарни қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш доирасида камбағалликни қисқартириш ҳамда кам таъминланган оиласар аъзолари бандлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида 02.04.2024 йил куни Ўзбекистон Республикасининг 923-сонли қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг [482-моддаси](#) қўйидаги мазмундаги ўн иккинчи ва ўн учинчи қисмлар билан тўлдирилди:

“Ҳамкорлик шартномалари”га асосан “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастурига киритилган тадбиркорлик субъектларига (бундан Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари мустасно) ушбу Кодекс 17-моддаси биринчи қисмининг 2, 3 (бундан тўлов манбаидан олинадиган фойда солиғи мустасно) ва 5 — 9-бандларида кўрсатилган солиқларни ҳамда айланмадан олинадиган солиқни ушбу субъектлар яратган янги иш ўринлари сонига қараб қўйидаги муддатларда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади:

51 тадан 100 тагача янги иш ўрни яратилганда — уч ойгача;

101 тадан 200 тагача янги иш ўрни яратилганда — олти ойгача;

200 тадан ортиқ янги иш ўрни яратилганда — ўн икки ойгача.

Ушбу модданинг ўн иккинчи қисмида кўрсатилган солиқлар бўйича бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти:

“20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастурига киритилган тадбиркорлик субъектларининг аризасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси томонидан;

ушбу Кодекснинг 13-бобида назарда тутилган мол-мулк гарови, кафиллик ёхуд банк кафолати таъминотисиз ушбу Кодекснинг 100-моддасида назарда тутилган фоизлар ҳисобланмаган ҳолда, шунингдек молиявий ҳолат таҳлил қилинмаган ва ушбу Кодекс 101-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолда (бундан ушбу Кодекс 98-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно) берилади»;

Шунингдек, [483-модда](#)си қўйидаги мазмундаги қирқ олтинчи, қирқ еттинчи ва қирқ саккизинчи қисмлар билан тўлдирилди:

“20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастурига киритилган тадбиркорлик субъектлари юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини 2025 йил 1 январга қадар қўйидаги миқдорда пасайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди:

51 тадан 100 тагача янги иш ўрни яратилганда — белгиланган солиқ ставкасининг 50 фоизи;

101 дан 200 тагача янги иш ўрни яратилганда — белгиланган солиқ ставкасининг 75 фоизи;

200 дан ортиқ янги иш ўрни яратилганда — ушбу солиқларни тўлашдан озод этилади. 1 / 2

Ушбу модданинг қирқ олтинчи қисмида назарда тутилган имтиёзлар “ҳамкорлик шартномалари”га асосан “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастурига

киритилган тадбиркорлик субъектлариға (бундан Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари мустасно) улар бир вақтнинг ўзида қуидаги шартларга риоя этган тақдирда берилади:

“Ижтимоий ҳимоянинг ягона реестри”га киритилган фуқаролар ишга қабул қилинганда ва камида бир йил давомида уларга ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир баравари миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақи тўланган ҳолда, уларнинг бандлиги таъминланганда;

ушбу фуқаролар жами ишчилар сонининг камида 20 фойизини ташкил этганда.

“Ҳамкорлик шартномалари” бўйича мажбуриятлар тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилмаган тақдирда, ушбу модданинг қирқ олтинчи қисмida назарда тутилган солик имтиёзларининг амал қилиши солик имтиёзларини қўллашнинг бутун даври учун бекор қилиниб, ушбу соликларни тўлашга доир мажбуриятлар тикланади”.

Ушбу Қонун аҳоли бандлигининг ўсишига, камбағалликни қисқартиришга ҳамда кам таъминланган оиласлар аъзоларини ишга қабул қилишда тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қиласди.

Шу билан бирга солик имтиёzlари ва преференциялар, хусусан, соликларни бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш ҳамда пасайтирилган солик ставкаларини белгилаш орқали тадбиркорлик субъектларини камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларга фаол жалб қилиш имконини беради.

Холматова Гулчехра

Кўқон туманлараро иқтисодий

судининг судьяси.

2024-06-06 13:21:19